Куч — адолатда

2015 йил
26 сентябрь,
шанба
№ 38 (551)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

МЕҲР-МУРУВВАТ ВА БАҒРИКЕНГЛИК ТИМСОЛИ

Ватанимиз мустақиллиги биз учун аввало ўзлигимизни англаш, инсоний қадр-қимматимиз, миллий урф-одатларимизни, буюк аждодларимиз, азиз-авлиё ва алломаларимизнинг табаррук номлари ва меросини, ғурур ва ифтихоримизни тиклаш, ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш каби беқиёс имкониятлар эшигини очиб берди. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда маънавиятни юксалтириш, умрбоқий анъана ва қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Халқимиз бу борада эришилаётган улкан натижаларни, беқиёс ютуқларни ҳар жиҳатдан пухта ўйланган, узоқни кўзлаб амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самараси деб билади ва юксак қадрлайди.

Юртимизда эзгулик, саховат, меҳр-оқибат, қаноат ва шукроналик айёми — муборак Қурбон ҳайити кенг нишонланаётган шу кунларда ҳамюртларимизнинг шукроналик ва миннатдорлик туйғуларига йўғрилган бундай кўтаринки кайфияти янада яққол намоён бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 18 сентябрда қабул қилинган "Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ хайр-саховат, ўзаро ёрдам каби эзгу амаллар бажариладиган айёмни муносиб ўтказиш учун барча чора-тадбирлар кўрилди.

Байрам арафасида "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Нуроний" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида Меҳрибонлик, Мурувват ва Саховат уйларига ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилди. Ёлғиз кексалар, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилалар, ногиронлар, беморлар ҳолидан хабар олиниб, моддий ва маънавий қўллаб-қувватланди.

Республика "Маҳалла" хайрия жамоат фондидан олинган маълумотларга кўра, мамлакатимизнинг барча маҳаллаларида Қурбон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини тушунтириш, ўсиб келаётган ёш авлодни истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга қаратилган тадбирлар ўтказилмоқда. Шу билан бирга, маҳаллалар ва таълим муассасаларида "Огоҳлик — давр талаби", "Ўз уйингни ўзинг асра!" каби мавзуларда давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этилмоқда.

Давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда уюштирилаётган хайрия тадбирларида халқимизга хос инсонийлик, саховатпешалик, шукроналик фазилатларини тарғиб этишга алоҳида урғу берилмоқда. Кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, ногиронлар, беморлар ҳолидан хабар олиниб, уларга дори-дармон, озиқ-овқат маҳсулотлари ва байрам совғалари топширилмоқда.

Халқимизга хос меҳр-мурувват ва бағрикенглик фазилатлари ободлик ва бунёдкорлик руҳияти билан ҳамиша уйғундир. Шу маънода Қурбон ҳайити арафасида маҳаллалар, меҳнат жамоалари ва оилаларда тозалик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Жойларда болалар боғчалари, кўп қаватли уйлар йўлаклари таъмирланиб, хиёбонлар, майдонлар, кўча ва ҳовлиларни саранжом-саришта қилиш юмушлари бажарилди. Муқаддас қадамжолар, қабристонлар ва уларнинг атрофлари ободонлаштирилди.

Кексаларни эъзозлаш йилида хайрли ишларнинг кўлами янада кенгайди. Бу ҳақда сўз борганда, мамлакатимизда "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурининг изчил амалга оширилиши ўзининг салмоқли натижаларини бераётганини алоҳида таъкидлаш мақсадга мувофиқдир.

(Давоми тўртинчи бетда)

Олий Мажлис Сенатининг жорий йилнинг 6-7 август кунлари бўлиб ўтган учинчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан мамлакатимиз ҳаётининг турли соҳаларини тартибга солишга қаратилган бир қатор муҳим қонунлар муҳокама қилинди ва маъқулланди. Мазкур қонунлардан бири "Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида"ги қонундир. Қонун 2015 йилнинг 26 августида матбуотда эълон қилинди ва шу кундан эътиборан кучга кирди.

Yangi qonun mohiyati

Инвестиция ва пай фондлари

ушбу соҳадаги муносабатларнинг ҳуқуқий асослари янада такомиллаштирилди

Мазкур қонун Президентимиз Ислом Каримов томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган устувор вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган. Ўз навбатида, қонунни ишлаб чиқиш жараёнида халқаро ҳужжатлар ва хорижий давлатларнинг бу соҳадаги қонун ҳужжатлари ҳам атрофлича таҳлил этилди. Таҳлилларга қараганда, инвестиция ва пай фондлари соҳасидаги муносабатлар АҚШ, Германия ва Жанубий Корея каби давлатларда алоҳида қонун билан тартибга солинади.

Айтиш керакки, ушбу янги қонун миллий қонунчилигимизнинг илғор тажрибаси ҳамда замонавий халқаро ҳуқуқий меъёрлар уйғунлигига асосланган 29 моддадан иборат бўлиб, унинг асосий мақсади — инвестиция ва пай фондлари фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

(Давоми учинчи бетда)

Тинчлик ва осойишталигимиз посбонлари

Сурхондарё вилоятида Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитанинг ҳарбий қисмлари ташкил топган кун байрамона руҳда кенг нишонланмоқда.

"Жалолиддин Мангуберди" орденли ҳарбий қисмда бўлиб ўтган ана шундай тадбирда Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов раҳнамолигида миллий армиямизни такомиллаштириш, мамлакатимиз мустақиллиги, хавфсизлиги ҳамда ҳудудий яхлитлигини таъминлаш, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар обод ва фаровон ҳаёт барпо этишимизда юксак самаралар бераётгани алоҳида таъкидланди.

Президентимиз раҳнамолигида жаҳон талабларига жавоб берадиган, замонавий қурол-яроғ, техника ва етук ҳарбий мутахассисларга эга профессионал миллий армиямиз шакллантирилди. Қўшинларнинг сифат таркиби янгиланиб, сафларини тўлдириш тартиби такомиллашди.

(Давоми учинчи бетда)

Аввало шуни айтиш керакки, ҳаётда бирон-бир шахсга ашёни ё мулк ҳуқуқини текинга бериш ёки бирон-бир шахсни мулкий мажбуриятдан озод этиш, шу жумладан, ҳадя этишни ваъда қилиш мақсади аниқ ифодаланган шартнома — ҳадя шартномаси деб аталади. Албатта, ҳар бир киши ўзининг мулки ва мероси билан боғлиқ бу каби масалалар бўйича нотариусга мурожаат этиши лозим.

Fuqarolik qonunchiligi

Ҳадя шартномаси

қонуний тартибда тузилса, тарафлар манфаатига хизмат қилади

Ўз навбатида, нотариус барчанинг хоҳиш-иродасини инобатга олиши лозим, лекин ўз мижозларининг сирларини ошкор қилиши мумкин эмас. Қонун талаби ҳам шундай.

Бу ҳақда сўз борганда, фуқаролик қонунчилигининг умумий қоидасидан келиб чиққан ҳолда, низосиз муносабат тушунчасига изоҳ бериб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Яъни низосиз муносабат деганда, қонунга зид бўлмаган муносабатлар ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз ихтиёри, эркинлиги ва келишувга кўра, амалга оширишга қаратилган ҳаракатлари ва фуқароларнинг ҳуқуқий муносабатларга киришганлик ҳолати тушунилади.

Нотариуслар ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида нотариат тамойилларига таянади. Нотариат тамойиллари эса, қонунда мустаҳкамланган, нотариал ҳаракатни амалга оширувчи барча мансабдор шахслар учун мажбурий бўлган, нотариал ҳаракатларнинг тўғри, холисона, қонуний бажарилиши ва низосиз амалга оширилишини таъминлайдиган асосий қоидалардир.

Амалдаги қонунларда нотариусларга муҳим вазифалар юклатилган бўлиб, уларни бажариш учун нотариусдан юқори савия, талабчанлик, шу билан бирга, хушмуомалалик ҳам талаб этилади.

(Давоми иккинчи бетда)

Судда инсон ҳуқуқларини таъминлаш: миллий ва хорижий тажриба

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ этиш, жиноят, жиноят-процессуал қонунчиликни либераллаштириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Самарқанд шаҳрида "Жиноят ишлари бўйича судларда иш юритишни такомиллаштиришнинг долзарб масалалари: Ўзбекистон ва хорижий давлатлар тажрибаси" мавзусида ташкил этилган халқаро конференцияда мазкур йўналишда олиб борилаётган ислоҳотларни ривожлантириш, жиноят, жиноят-процессуал қонунчиликни янада такомиллаштиришга оид масалалар муҳокама этилди, бу борада тажриба алмашилди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ)нинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори, "Минтақавий мулоқот" халқаро нодавлат ташкилоти (Словения), К. Аденауэр номидаги жамғарманинг (Германия) минтақавий бюроси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Олий суд, жиноят ишлари бўйича вилоятлар судлари судьялари, прокуратура, ички ишлар идоралари масъул ходимлари, адвокатлар, олимлар, Германия, Дания, Жанубий Корея, Япония, АҚШ, Сербия, Франция каби давлатлардан мутахассислар иштирок этди.

(Давоми иккинчи бетда)

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида, шу жумладан, суд-ҳуқуқ тизимида кенг қамровли ислоҳотлар изчиллик билан босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда. Маъмурий қонунчилик тизимини такомиллаштириш, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан қўлланиладиган маъмурий жазоларни қайта кўриб чиқиш ва жиноий юрисдикциядан маъмурий юрисдикцияга ўтказиш борасида амалга оширилаётган ўзгаришлар шулар жумласидандир.

Qonun ijodkorligi

Маъмурий қонунчиликни такомиллаштириш йўлида

Президентимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида давлатчилигимиз тараққиётига доир муҳим ўзгаришларнинг янги, янада юксак босқичи белгилаб берилди.

Дунё ҳамжамияти томонидан ривожланишнинг илғор демократик йўли сифатида эътироф этилган ушбу Концепцияни ҳаётга татбиқ этиш борасида ҳозирги кунда кенг кўламли амалий ишлар олиб борилмоқда. Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири — қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштириш йўналишида амалга оширилаётган тизимли ишлар шулар жумласига киради.

(Давоми учинчи бетда)

Muloqot

Савол беринг, жавоб берамиз

Оммавий ахборот воситалари ва расмий ҳужжатларда "умумий юрисдикция судлари" тушунчаси тез-тез ишлатилади. Бунда қайси судлар назарда тутилиши ҳақида тушунча берсангиз.

Муҳаммаджон ОТАЕВ,
Андижон вилояти,
Олтинкўл тумани

— Бу саволга жавобан шуни қайд этиш керакки, умумий юрисдикция судлари қаторига Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари ва ҳарбий судлар киради.

Бир нафар вояга етмаган фарзандим бор, суд орқали никоҳдан ажрашганман. Собиқ турмуш ўртоғим узоқ муддатга чет элга кетмоқда. Бундай ҳолатда ундан алиментни қандай тартибда ундириш мумкин?

Нурафшон БОҚИЖОНОВА,
Фарғона вилояти,
Қўқон шаҳри

— Оила кодексининг 145-моддасига кўра, алимент тўлаши шарт бўлган шахс доимий яшаш учун ёки уч ойдан ортиқ муддатга чет давлатга кетаётганида ўзи таъминлаб бериши лозим бўлган алимент олувчилар билан алимент тўлаш тўғрисида келишув тузади. Нотариал тартибда тасдиқланган келишув ижро варақаси кучига эга.

Агар келишувга эришилмаса, манфаатдор шахс судга мурожаат қилишга ҳақли. Бунда алимент пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланиб, бир йўла тўланиши ёки алимент эвазига мол-мулк берилиши ёхуд алимент бошқа усулда тўланиши суд томонидан белгиланиши мумкин.

Илтимос, судланганликнинг тугалланиши ҳақида тушунча берсангиз.

Норбўта ЯЛҒАШЕВ,
Сирдарё вилояти,
Ховос тумани

— Судланганлик ҳолати тугалланиши шахснинг судланганлиги факти билан боғлиқ барча оқибатларнинг жазо тури ва муддатидан келиб чиққан ҳолда Жиноят кодексининг 78-моддасида назарда тутилган муддатлар ўтганлиги натижасида автоматик тарзда (ўз-ўзидан) барҳам топишини англатади. Бундай ҳолларда судланганлиги тугалланган шахс, унинг вориси, қонуний вакили ёки адвокати илтимосига кўра, ҳукм чиқарган суд томонидан судланганлик ҳолати мавжуд эмаслиги фактини тасдиқловчи маълумотнома берилади. Бунинг учун манфаатдор шахс томонидан судга тақдим этилган ички ишлар органлари Ахборот маркази маълумотномаси ва жазо ўталганлиги (ижро этилганлиги) фактини тасдиқловчи ҳужжатлар асос бўлади.

Судланганлик ҳолати тугалланган пайтдан бошлаб шахс судланмаган ҳисобланиб, ушбу шахс томонидан жиноят содир этилганлиги факти ва унинг учун судланганлик билан боғлиқ барча ҳуқуқий оқибатлар бекор бўлади.

Айтинг-чи, маънавий зарар деганда нима тушунилади ва бундай зарарни қоплаш миқдори қандай белгиланади?

Одил НУРМАТОВ,
Тошкент шаҳри,
Олмазор тумани

— Маънавий зарар деганда, жабрланувчига қарши содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳаракати ёки ҳаракатсизлик оқибатида у бошидан кечирган маънавий ва жисмоний азоблар тушунилади. Маънавий зарар, жумладан яқин қариндошини йўқотиш сабабли қайғуриш, ижтимоий ҳаётдаги фаолиятини давом эттира олмаслик, ишини йўқотиш, оилавий, тиббий сирларни ошкор қилиш, фуқароларнинг шаъни, қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсига путур етказувчи ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш, ҳар қандай бошқа ҳуқуқларини вақтинча чеклаш ёки улардан маҳрум қилиш, етказилган зарар ёки соғлиққа бошқача зиён етказиш туфайли, жисмоний оғриқ, соғлиққа бошқача етказилган ёхуд етказилган маънавий азоблар натижасида бошидан ўтказилган бошқа касалликларда намоён бўлиши мумкин.

Фуқаролик кодексининг 1022-моддасига мувофиқ, маънавий зарарни қоплаш миқдори жабрланувчига етказилган жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусиятига, шунингдек, айб товон тўлашга асос бўлган ҳолларда зарар етказувчининг айби даражасига қараб суд томонидан аниқланади.

Умумий юрисдикция судларига мурожаат қилиш учун давлат божи ставкалари ва давлат божини тўлашдан озод қилиш масалалари қайси қонун ҳужжатида белгиланган?

Гулсара ХЎЖАҚУЛОВА,
Самарқанд шаҳри

— Давлат божи ставкалари Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги «Давлат божи ставкалари ҳақида»ги қарори билан тасдиқланган. Умумий юрисдикция судларида давлат божини тўлашдан озод қилиш ҳолатлари Солиқ кодексининг 329-моддасида кўрсатилган. Ушбу кодекснинг 337-моддасида судларда давлат божини ундиришнинг ўзига хос хусусиятлари белгилаб қўйилган.

Саволларга Олий суд бўлим бошлиғи Жаҳонгир СОТИБОЛДИЕВ жавоб берди.

Судда инсон ҳуқуқларини таъминлаш: миллий ва хорижий тажриба

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Конференцияда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида суд-ҳуқуқ соҳасини демократик асосда ислоҳ этиш ва эркинлаштириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилгани таъкидланди. Соҳага оид қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси борасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолияти самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлди.

Судлар фаолияти такомиллашиб, жиноят процессида шахс ҳуқуқларини кафолатлашнинг мустаҳкам асослари яратилди. Шахсни жамиятдан ажратиб қўйиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турларини тайинлаш имкониятлари кенгайтирилди. Хусусан, кўплаб жиноятлар таркиби ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилгани, яраш институти жорий этилгани инсон ҳуқуқлари юксак даражада таъминланишига хизмат қилаётир. Бундай ислоҳотлар натижасида 2014 йилда озодликдан маҳрум қилинганлар сони 2000 йилга нисбатан 16,5 фоиз камайган.

Мамлакатимизда "Хабеас корпус" институтининг жорий этилгани, 2008 йилдан бошлаб эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилгани муҳим қадам бўлди. Ушбу қарорнинг ўз вақтида, пухта ўйлаб қабул қилингани бугунги кунда кўпгина амалий мисолларда ўз исботини топмоқда. Мазкур институтнинг амалиётга татбиқ этилиши инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг дахлсизлигини ҳимоя қилишда муҳим омил бўлмоқда.

2012 йил 18 сентябрда қабул қилинган "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун асосида лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини қўллаш суд тартиби амалиётига киритилди. Суд ваколатидан жиноят иши қўзғатиш ҳуқуқи чиқарилиб, судда ишни кўришда жиноят иши бўйича айблов хулосасини ўқиб эшиттириш мажбуриятини прокурор зиммасига юклашни кўзда тутувчи нормалар жорий этилгани суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида суд назоратини кучайтиришга шароит яратди.

2014 йил 5 сентябрда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун билан Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларига қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, жиноят-процессуал қонунчилигига уй қамоғи тарзидаги янги эҳтиёт чорасининг киритилгани фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясининг яна бир муҳим кафолати бўлди.

Халқаро экспертлар Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимидаги ушбу ислоҳотлар умумэътироф этилган инсонпарварлик тамойилларига тўлиқ мувофиқ эканлигини таъкидлади.

— Ўзбекистон мустақиллик йилларида барча соҳалар каби суд-ҳуқуқ тизимида ҳам кўплаб ютуқларни қўлга киритди, — дейди Сербия Республикаси Олий кассация суди раиси Драгомир Милоевич. — Мамлакатингиз суд тизими билан яқиндан танишиб, амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар туфайли бу соҳа халқаро стандартлар даражасида такомиллашиб бораётганига гувоҳ бўлдик.

Дания Қироллиги Ғарбий ерлари давлат прокурори Ян Рекендорфф мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар жараёнида "Хабеас корпус" институти амалиётга самарали татбиқ этилиши билан бирга, унинг доираси кенгайтирилгани фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясига хизмат қилаётгани эътиборга лойиқ эканини қайд этди.

— Мен юртингизга ҳар гал келганимда, кўплаб янгиликларни кашф этаман, — дейди Массачусетс штати Олий суди судьяси Роберт Корди (АҚШ). — Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларнинг амалий натижалари халқингизнинг тинч ва фаровон ҳаётида, эртанги кунга ишончида акс этиб турибди.

Берлин-Бранденбург федерал ери (Германия) судьяси Штефан Финкенштайннинг фикрича, Ўзбекистонда барча соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар замирида инсон манфаатлари мужассам. Конференция давомида бу амалий ишлар мисолида очиб берилди. Мазкур анжуманда суд ишларини янада такомиллаштириш, бу борада тажриба алмашиш имконияти яратилгани инсон ҳуқуқларини таъминлашдек эзгу ишлар кўламини янада кенгайтиради.

Конференцияда жорий йил 21 августдан кучга кирган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун асосида амалдаги қонунчиликка киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар тадбиркорликни янада ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этишга хизмат қилиши таъкидланди.

— Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони асосида қабул қилинган қонун асосида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг "Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашиш билан боғлиқ жиноятлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа жиноятлар" деб номланган янги боб билан тўлдирилгани хусусий мулк эгалари ҳуқуқлари кафолатларини янада мустаҳкамлади, — дейди Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилояти суди раиси Рустам Абдуллаев. — Унга кўра, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ва молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш тартибини бузиш, тадбиркорларнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни қонунга хилоф равишда тўхтатиб туриш, уларни ҳомийлика ва бошқа тадбирларга мажбурий жалб этиш каби ҳолатлар бўйича жавобгарлик белгиланган тадбиркорлик эркинлигининг муҳим кафолати бўлиши шубҳасиз. Бу тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этишга, тадбиркорларнинг фаолиятига тўсқинлик қилганлик ва қонунга хилоф равишда аралашганлик учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш, назорат ва бошқа давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлиги муқаррарлигини таъминлашга кўмаклашади.

— Ўзбекистон жиноят қонунчилиги, унинг такомиллашиб бораётгани хусусида жуда кенг маълумотларга эга бўлдик, — дейди Жанубий Корея қонунчилик илмий-тадқиқот институтининг қонунчиликни режалаштириш бюроси директори Чой Хоан Ёнг. — Менга, айниқса, тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилганлик ва ноқонуний аралашганлик учун давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлиги кучайтирилгани жуда маъқул келди. Бу хусусий мулк ва тадбиркорлик фаолияти янада эркин ривожланишининг, уларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмларидандир. Айнан шундай омиллар аҳолининг фаровон турмуш кечиришига, пировардида барча ҳуқуқлари таъминланишига замин яратади.

Японияниинг Нагоя университети олий ҳуқуқ мактаби профессори Рикия Кобояманинг таъкидлашича, Ўзбекистонда жорий йилнинг август ойида озодликни чеклаш кўринишидаги янги жиноий жазо тури, яъни суд томонидан маҳкумга нисбатан яшаш жойини у ёки бу сабаб билан тарк этишни бутунлай тақиқлаш ёки сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқишни чеклашнинг жорий этилгани мамлакатда жиноий жазолаш тизимини инсонпарварлик тамойилларига янада мувофиқлаштириш, судланганларни ижтимоий реабилитация қилиш ва уларнинг оилалари билан алоқаларини сақлаб қолиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилаётганидан далолатдир. Бундай инсонпарварлик муносабати жиноят содир этганларнинг тўғри йўлга қайтиши, умуман, жиноятчиликнинг камайишига хизмат қилади.

Конференция иштирокчилари жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини либераллаштириш юзасидан Ўзбекистон қонунчилигига киритилган янгиликларга юқори баҳо берди. Анжуманда суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, соҳанинг қонунчилик асосларини такомиллаштириш, суд ҳокимиятининг мустақиллигини мустаҳкамлашга оид фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА махсус мухбири

Fuqarolik qonunchiligi

Ҳадя

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Нотариус ҳар бир нотариал ҳаракатни қонун нуқтаи назаридан амалга ошириши даркор. Шундагина келгусида келиб чиқиш эҳтимоли бўлган низоларнинг олди олинади.

Шунингдек, нотариал ҳаракатни бажарувчи мансабдор шахс, аввало, қонунларни яхши билиши лозим. Қонун талабларини билмаслик охир-оқибат ушбу нотариал ҳаракатнинг бекор бўлишига ёки ҳақиқий эмас деб топилишига олиб келади.

Хусусан, ҳадя шартномаси ҳақида сўз борар экан, қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Яъни бундай шартномага мувофиқ, ҳадя қилувчи тараф бошқа тарафга, демакки, ҳадя олувчига ашёни текинга мулк қилиб беради; ашёни текинга бериш мажбуриятини олади ёхуд унга ёки учинчи шахсга нисбатан мулк ҳуқуқи (талаби)ни беради ё бериш мажбуриятини олади; уни учинчи шахс олдидаги мулкий мажбуриятдан озод қилади ёинки озод қилиш мажбуриятини олади.

Ўрни келганда шуни қайд этиш жоизки, ҳадяни ҳадя олувчига ҳадя қилувчининг вафотидан сўнг топшириш назарда тутилган шартнома ҳақиқий ҳисобланмайди. Бундай ҳадяга нисбатан Фуқаролик кодексининг ворислик тўғрисидаги қоидалари қўлланилади.

Бундан ташқари Фуқаролик кодексининг 503-моддасида ҳадя олувчининг ҳадяни қабул қилишни рад этиши ҳақида сўз юритилган. Унга кўра, ҳадя олувчи ўзига ҳадя топширилгунга қадар истаган вақтда уни рад этишга ҳақли саналади. Бундай ҳолда ҳадя шартномаси бекор қилинган ҳисобланади.

Агар ҳадя шартномаси ёзма тарзда тузилган бўлса, ҳадяни рад этиш ҳам ёзма тарзда амалга оширилиши керак. Шунингдек, ҳадя шартномаси рўйхатдан ўтказилган бўлса, ҳадяни қабул қилишни рад этиш ҳам давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Ҳадя шартномаси ёзма шаклда тузилган бўлса, ҳадя қилувчи ҳадя олувчидан ҳадяни рад этиши оқибатида етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли ҳисобланади.

Айтиш керакки, амалдаги Фуқаролик кодексининг 504-моддасида ҳадя қилиш, ҳадяни ҳадя олувчига топшириш оғзаки тарзда амалга оширилиши мумкинлиги белгиланган. Албатта, ушбу модданинг учинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Бундан ташқари кўчар мулк ҳадя қилинаётганда, фуқаролар ўртасида энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ суммага шартнома тузилаётганда, шунингдек, шартномада келажакда ҳадя этиш ваъда қилинган ҳолларда, ҳадя қилувчи юридик шахс бўлганда шартнома ёзма тарзда тузилиши лозим. Кўчмас мулкни ҳадя қилиш шартномаси нотариал тасдиқланган ва давлат рўйхатидан ўтказилган, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган автотранспорт воситаларини ҳадя қилиш шартномаси эса, нотариал тасдиқланган бўлиши керак.

Шартнома тузилгандан сўнг ҳадя қилувчининг моддий аҳволи жиддий ёмонлашган бўлса, у келажакда ҳадя олувчига ашёни ёки мулк ҳуқуқини беришни, уни мулкий мажбуриятдан озод этишни ваъда қилган шартномани бажаришдан бош тортишга ҳақли ҳисобланади. Фуқаролик кодексининг 507-моддасида назарда тутилган асосларга биноан, ҳадя қилувчининг ҳадя шартномасини бажаришдан бош тортиши ҳадя олувчига зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқини бермайди.

Шунингдек, ҳадя олувчи ҳадя қилувчининг, унинг оила аъзолари ёки яқин қариндошларининг ҳаётига, соғлиғига зиён етказиш учун атай жиноят содир қилган ҳолларда шартномани суд тартибида бекор қилишга йўл қўйилади.

Yangi qonun mohiyati

Инвестиция ва пай фондлари

ушбу соҳадаги муносабатларнинг ҳуқуқий асослари янада такомиллаштирилди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Қонуннинг 3-моддасида "инвестиция фонди" тушунчасига инвесторларнинг пул маблағларини жалб этиш ва уларни инвестиция активларига қўйиш мақсадида акциялар чиқаришни амалга оширувчи юридик шахс — акциядорлик жамияти инвестиция фондидир, дея таъриф берилган. Инвестиция фонди ўз фаолиятини қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан бериладиган лицензия асосида амалга оширади. Ўз навбатида, инвестиция фонди иккига, яъни ўзи чиқарган акцияларни қайтариб сотиб олиш мажбуриятига эга бўлган инвестиция фонди ва ўзи чиқарган акцияларни қайтариб сотиб олиш мажбуриятига эга бўлмаган инвестиция фонди турига бўлинади.

Шунингдек, янги қонунда "Пай фонди" тушунчасига ҳам таъриф берилган бўлиб, унга кўра, инвестиция фаолиятини амалга ошириш мақсадида икки ва ундан ортиқ шахсларнинг — инвесторларнинг ўзи ишончли бошқарувга берган пул маблағлари йиғиндиси пай фонди ҳисобланади. Ўз навбатида, қонунда пай фондининг ҳам икки тури аниқ мустаҳкамлаб қўйилди. Буларнинг биринчиси, чиқарилган инвестиция пайларини ишончли бошқарувчи томонидан фонднинг маблағлари ҳисобидан қайтариб сотиб олиш мажбуриятига эга бўлган пай фонди бўлса, иккинчиси эса, чиқарилган инвестиция пайларини ишончли бошқарувчи томонидан фонднинг маблағлари ҳисобидан қайтариб сотиб олиш мажбуриятига эга бўлмаган пай фонди ҳисобланади. Аҳамиятли жиҳати шундаки, пай фонди юридик шахс ҳисобланмайди.

Бундан ташқари қонунда "инвестиция пайи" ва "инвестиция активлари" деган тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини очиб беришга қаратилган меъёрлар ҳам ўз ифодасини топди. Жумладан, ўз эгаларининг пай фондидаги улушини тасдиқловчи ҳужжатсиз қимматли қоғоз инвестиция пайи ҳисобланса, инвестиция фондининг ёки пай фондининг инвестиция портфелини ташкил этувчи қимматли қоғозлар, улушлар, пул маблағлари (шу жумладан, чет эл валютаси), омонатлар ва кўчмас мулк инвестиция активларидир.

Қонунда инвестиция фондини ташкил этиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, у янги юридик шахсни таъсис этиш ёки бошқа инвестиция фондини қайта ташкил этиш йўли билан ташкил этилади.

Инвестиция фонди тижорат ташкилоти бўлиб, у ўзининг алоҳида ҳисобга олинадиган мол-мулкига, шу жумладан, устав капиталига берилган мол-мулкка эга бўлади. Юридик ва жисмоний шахслар инвестиция фондининг муассислари (акциядорлари) сифатида иш юритиши мумкин. Инвестиция фонди Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказилади.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, инвестиция фондини ташкил этишда унинг акциялари қийматини тўлаш пул маблағлари, қимматли қоғозлар, улушлар, шунингдек, кўчмас мулк ва бошқа молмулк, мулкий ҳуқуқлар билан амалга оширилади. Бунда унинг устав капиталининг камида 75 фоизи пул шаклида тўланиши керак. Инвестиция фондининг акцияларини жойлаштириш фонд биржасида амалга оширилади, бундан ушбу фонд муассислари ўртасида ёпиқ обуна бўйича жойлаштириладиган акцияларнинг дастлабки чиқарилиши мустасно.

Пай фондини ташкил этиш ҳам қонуннинг алоҳида моддасида қайд этилган бўлиб, унга кўра, пай фонди Пай фондларининг ягона реестрига киритилган ва тегишли ахборот қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ҳамда Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсининг расмий веб-сайтларида эълон қилинган пайтдан эътиборан ташкил этилган, деб ҳисобланади. Пай фондларининг ягона реестрини юритиш қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Айтиш керакки, қонуннинг 23-моддасида инвестиция ва пай фондларининг фаолиятини тартибга солишни амалга ошириш билан боғлиқ масалаларга ойдинлик киритилган бўлиб, унга кўра, улар фаолиятини тартибга солиш қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан қуйидагилар, яъни биринчидан, инвестиция ва пай фондларини ишончли бошқариш тартибини, шу жумладан, ушбу фондларнинг инвестиция активлари ҳисобини юритиш ҳамда уларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни ошкор этиш тартибини белгилаш; иккинчидан, ишончли бошқарувчи мансабдор шахсларининг ҳамда аффиллашган шахсларининг инвестиция ва пай фондлари операцияларида иштирок этишини чеклаш; учинчидан, инвестиция декларациясининг мазмунига ҳамда инвестиция ва пай фондларининг бошқа ҳужжатларига доир талабларни белгилаш; тўртинчидан, инвестиция ва пай фондларининг, ишончли бошқарувчиларнинг ва Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсининг фаолиятини назорат қилиш орқали амалга оширилади.

Бундан ташқари қонунда инвестиция ва пай фондларининг номи, ишончли бошқарувчи, ишончли бошқариш шартномаси, инвестиция декларацияси, инвестиция фондининг бошқарув органлари, инвестиция фондининг фаолиятидаги чекловлар, инвестиция фондини қайта ташкил этиш ва тугатишнинг ўзига хос хусусиятлари, инвестиция фонди мол-мулкининг ҳисоби ва уни сақлаш, пай фондининг ва инвестиция пайларининг ҳисоби, инвесторларнинг пул маблағларини ва пай фондининг инвестиция активларини тасарруф этиш, пай фондининг инвестиция активларини тасарруф этишдаги чекловлар, пай фондини тугатиш, инвестиция пайини муомаладан чиқариш, инвестиция активларининг ҳисоби ва улар бўйича ҳисоботлар, инвестиция ва пай фондларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни ошкор этиш каби масалалар ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ тартибга солинди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, ушбу қонуннинг қабул қилиниши фонд бозори томонидан капиталнинг иқтисодиёт тармоқларига эркин ўтишини таъминлаш, инвесторлар ва аҳолининг кенг қатламига капитал бозорига киришига имконият яратиш, жамғармаларни шакллантириш ва уларни кўпайтиришга муқобил имкониятлар яратиш каби вазифаларни янада самарали бажарилиши учун муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Зафар РЎЗИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими

Qonun ijodkorligi

Маъмурий қонунчиликни такомиллаштириш йўлида

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Давлатимиз раҳбари томонидан давлатимиз суд-ҳуқуқ тизими ривожланишининг кейинги босқичи муҳим йўналишлари бўйича концептуал таклифлар билдирилдики, уларнинг барчасида аниқ мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, қонунчиликни такомиллаштириш ва соҳани ислоҳ қилиш бўйича амалга ошириладиган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар белгиланган.

Илгари сурилган таклифларнинг амалга оширилиши суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштиришга, яъни жиноят қонунчилигининг тобора либераллашуви шароитида айрим қонунбузарликларни жиноий юрисдикциядан маъмурий юрисдикцияга ўтказиш, маъмурий жавобгарликка оид қонунчиликни унификациялашни назарда тутувчи Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқишга олиб келади. Бу лойиҳада, шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишнинг процессуал механизмларини такомиллаштириш ва янада демократлаштириш, бу соҳада қонунийликни таъминлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоялаш бўйича вазифаларни ҳал этиш кўзда тутилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик инсон ва жамият фаровонлиги йўлида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, мулкни, давлат ва жамоат тартибини, табиий муҳитни муҳофаза қилишни, ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлашни, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ўз вақтида ва объектив кўриб чиқишни, шунингдек, бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялашни ўз олдига вазифа қилиб қўяди.

Бу вазифаларни амалга ошириш учун қонунчилик қандай ҳаракат ёки ҳаракатсизлик маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланишини, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан қайси орган (мансабдор шахс) томонидан қай тартибда қандай маъмурий жазо қўлланилиши ва ижро этилишини белгилайди.

Айни дамда амалда бўлган Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 1994 йилда қабул қилинган бўлиб, ўтган давр мобайнида унга 80 мартадан кўп ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Кодекснинг янги таҳрири суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш муносабати билан маъмурий қонунчилик ва жиноий-ҳуқуқий сиёсатда юз берган катта миқёсдаги принципиал ўзгаришларни ўзида тизимли ва кенг кўламли тарзда акс эттириши даркор.

Шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўришнинг процессуал механизмларини такомиллаштириш, демократлаштириш, бу соҳада қонунийликни таъминлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоялаш бўйича чоралар ҳам ушбу кодексда кўзда тутилади.

Назаримизда, янги таҳрирдаги кодекс лойиҳасида маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини либераллаштиришнинг қуйидаги жиҳатларига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Яъни аввало, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишнинг процессуал механизмларини янада такомиллаштириш ва демократлаштириш зарур.

Бу йўналишда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни таъминлаш чораларидан бири ҳисобланган шахсларни маъмурий йўл билан ушлаб туриш жойини, тартибини аниқлаштириш ва муддатларини кўриб чиқиш, маъмурий процессуал мажбурлов чораларини қўллашда суд санкцияси институтининг киритилиши ўз ифодасини топиши лозим.

Маъмурий йўл билан ушлаб туриш процессуал мажбурлов чорасини қўллашда бундай чорани фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш тартибининг жорий этилиши суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида умумэътироф этилган принцип ҳамда халқаро ҳуқуқ нормаларининг имплементация қилинишининг мантиқий давоми ҳисобланади.

Мухтасар айтганда, янги таҳрирдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс юқорида таклиф этилган ва бошқа шу каби маъмурий жавобгарликни эркинлаштирувчи нормалар билан такомиллаштирилиши айни муддаодир. Зеро, ушбу кодекс давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш муносабати билан маъмурий қонунчилик ва жиноий-ҳуқуқий сиёсатда юз берган катта миқёсдаги принципиал ўзгаришларни ўзида тизимли ва кенг кўламли тарзда акс эттириши лозим.

Анвар ҚОДИРОВ,
Адлия вазирлиги Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси бош маслаҳатчиси

Тинчлик ва осойишталигимиз посбонлари

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Муддатли ҳарбий хизматга жисмонан соғлом, маънан етук ва юксак интеллектуал салоҳиятли ёшларни саралаб олишнинг қулай тизими яратилди. Соҳада юз берган бундай ўзгариш ва янгиланишлар миллий армиямиз сафларида хизмат қилишни ҳар бир йигитнинг нафақат фуқаролик бурчи, балки юксак шоншараф ишига айлантирди. Юртимиз сарҳадларида муддатли ҳарбий хизматни шараф билан ўтаётган оддий аскар Раҳимжон Иброҳимов ана шундай Ватан посбонларидан бири.

Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманидаги Шодлик маҳалласида униб-ўсган Раҳимжон болаликдан ҳарбий бўлишни орзу қилди. Шу мақсадда умумтаълим мактабида, коллежда аъло баҳоларга ўқиди, жисмонан чиниқди. Билимини мустаҳкамлаб борди. Сафарбарлик мавсумида синовлардан муваффақиятли ўтиб, жанубий сарҳадларимизни қўриқлаш учун йўл олди.

— Муддатли ҳарбий хизмат мустақил ҳаёт йўлимни белгилаб берди, — дейди оддий аскар Раҳимжон Иброҳимов. — Ватаннинг онадек улуғ ва муқаддаслигини, ҳар бир қарич тупроғи азиз ва мўътабарлигини аскарлик ҳаётимда янада чуқур англамоқдаман. Ота-онам, яқинларим, умуман, халқимизнинг осуда ҳаётини таъминлаш йўлида хизмат қилаётганимдан фахрланаман. Ҳарбий-тактик машғулотлар замонавий усулда олиб борилади. Чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш учун барча шароит ва қулайликлар яратилган.

Маълумки, илгари йигитларимиз муддатли ҳарбий хизматни Ўзбекистондан узоқларда, носоғлом маънавий муҳит ҳукмрон бўлган ҳарбий қисмларда ўташга мажбур эди. Оқибатда умрининг айни кучга тўлган икки йилини беҳуда, мазмунсиз ўтказарди. Шу боис ўша даврда муддатли ҳарбий хизматга бугунгидек истак ҳам, интилиш ҳам бўлмаган. Бугун кўп миллатли халқимиз тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини асраш ишига муқаддас бурч ва юксак шараф сифатида қаралаётгани бир пайтлар Ўзбекистондан олис ўлкаларда аскарлик бурчини ўтаганларда ҳавас уйғотмоқда.

— Кўп йиллар ушбу ҳарбий қисмда хизмат қилдим. Бизнинг давримизда чегарачилар учун бундай шароит ҳам, эътибор ҳам йўқ эди, — дейди истеъфодаги иккинчи ранг капитани Даврон Рашидов. — Ҳар сафар байрам ва бошқа тадбирларга таклиф этишганида "қанийди, яна ёшариб қолсаму, ўзимизнинг чегара қўшинларимизда, мана шундай шароитларда хизмат қилсам", деган ўй хаёлимдан ўтади. Чунки бу ерда яратилган шароитлар ва ҳарбийларимизга кўрсатилаётган эътибор биз, кекса авлод вакиллари учун ушалмас орзу эди. Бугунгидек шароитларда хизмат қилишни тасаввур ҳам қилолмаганмиз. Бугун ҳарбий қисм ташкил топган куннинг катта байрам сифатида нишонланаётгани ҳам, шу муносабат билан хизмат вазифасини аъло даражада ўтаётган чегарачилар муносиб рағбатлантирилаётгани ҳам Президентимиз раҳнамолигида Қуролли Кучлар тизимида амалга оширилган ислоҳотлар, юртимиздаги тинчлик-осойишталик ва фаровонлик самарасидир.

Ҳарбий қисмда барча шароит яратилган. Шинам ва озода ошхона, алоҳида хоналардан иборат замонавий ётоқхона, кутубхона, спорт зали ва спорт майдончалари ҳарбийлар ихтиёрида. Ўқув-тактик машғулотларни ўтказиш хоналари компьютер ва бошқа кўргазмали қуроллар билан жиҳозланган.

Ҳарбий хизматчиларни маънавий қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, "Энг илғор батальон командири", "Энг илғор взвод командири", "Энг илғор гуруҳ командири", "Энг илғор алоқачи", "Энг илғор ошпаз" каби кўрик-танловлар ўтказилиб, ғолиблар рағбатлантирилмоқда. Оддий аскар ва дарё чегарачилари ўртасида ўтказилаётган "Қувноқлар ва зукколар" баҳси, турли спорт мусобақалари муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган йигитларнинг билими ва жисмоний тайёргарлигини янада оширишга хизмат қилмоқда. Жорий йилда Қуролли Кучларимиз ўртасида ўтказилган "Қувноқлар ва зукколар" мусобақасида "Жалолиддин Мангуберди" орденли ҳарбий қисм чегарачилари биринчи ўринни қўлга киритгани бунга яққол мисолдир.

Жанубий сарҳадларимизда ҳамиша сергак туриб, юртимиз тинчлиги ва халқимиз фаровонлигини таъминлашга салмоқли ҳисса қўшаётган чегарачилар давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланмоқда.

Наманган вилояти Янгиқўрғон туманида туғилиб, вояга етган кичик сержант Аҳмадулла Тўрамирзаев сергак ва жасур чегарачилардан бири. Унинг шартнома асосида хизмат қилаётганига ўн беш йил бўлди. Кичик сержант А.Тўрамирзаевнинг Ватанимиз тинчлиги ва халқимиз осойишталигини таъминлашдаги хизматлари муносиб тақдирланди, 2007 йили Президентимиз фармонига асосан у "Жасорат" медали билан мукофотланди.

— Ватан олдидаги йигитлик бурчимни адо этаётганимдан, сафимиздаги ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга ҳисса қўшаётганимдан фахрланаман, — дейди кичик сержант А.Тўрамирзаев. — Ҳарбий шаҳарчадаги барча шароитга эга замонавий уйда яшаймиз. Турмуш ўртоғим билан икки фарзандни вояга етказмоқдамиз.

Тадбирларда Ватанимиз тинчлиги ва халқимиз осойишталигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшаётган офицерлар, шартнома асосида хизмат қилаётган оддий аскар ва сержантлар, муддатли ҳарбий хизматчилар қимматбаҳо совғалар билан мукофотланди. Чегарачиларнинг кўргазмали чиқишлари намойиш этилди. Ватан, истиқлол, тинчлик, муҳаббат ва садоқатни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар янгради.

Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ,
ЎзА мухбири

шартномаси

қонуний тартибда тузилса, тарафлар манфаатига хизмат қилади

Шунингдек, ҳадя олувчи ҳадя қилувчини қасддан ўлдирган тақдирда ҳадя қилувчининг ворислари судда ҳадя шартномасини бекор қилишни талаб этиш ҳуқуқига эга. Агар ҳадя олувчининг катта номулкий қимматга эга бўлган ҳадя буюмга муносабати унинг бутунлай йўқ бўлиб кетиш хавфини солса, ҳадя қилувчи ҳадяни суд тартибида бекор қилиши мумкин.

Шу ўринда ҳаётий мисолларга эътибор қаратсак, фуқаролик ишлари бўйича Зарафшон туманлараро судида даъвогар Н.Бобоеванинг жавобгарлар Н.Шокиров, Б.Аҳмедов ҳамда шаҳардаги 2-сонли давлат нотариал идорасига нисбатан мол-мулкдан ҳисса ундириш ва ҳадя шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги даъво аризаси кўриб чиқилди.

Судда аниқланган ҳолатларга кўра, даъвогар Н.Бобоева жавобгар Н.Шокиров билан 1995 йил 10 ноябрда қонуний никоҳдан ўтиб, оила қурган. Биргаликдаги турмушлари давомида уч нафар фарзанд кўришган. Улар 2000 йил 20 сентябрда "Нексия" русумли автомашина сотиб олишган. Оиладаги келишмовчиликлар боис улар 2002 йил март ойидан буён бирга яшашмайди, аммо қонуний никоҳлари суд томонидан бекор қилинмаган.

Айтиш керакки, Н.Шокиров юқорида қайд қилинган автомашинани 2005 йил 10 июлда қариндоши Б.Аҳмедовга даъвогар Н.Бобоеванинг розилигини олмасдан ҳадя қилган. Шу боис даъвогар Н.Бобоева суддан 2005 йил 10 июлда Зарафшон шаҳар 2-сонли давлат нотариал идораси орқали Н.Шокиров ва Б.Аҳмедов ўртасида расмийлаштирилган ҳадя шартномасини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳамда автомашинадан ўзининг ҳиссасини ажратиб беришни сўраб, судга даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Суд ишни кўриш жараёнида зарурат туғилганлиги сабабли 2005 йил 10 июлда имзоланган ҳадя шартномасини расмийлаштиришда ҳақиқатан ҳам, Н.Бобоеванинг розилиги олинган ёки олинмаганини аниқлаш мақсадида нотариал идорадаги Н.Бобоеванинг автомашинани Б.Аҳмедовга ҳадя қилишга розилиги тўғрисидаги аризаси бўйича хатшунослик экспертизасини тайинлади.

Республика суд экспертизаси марказининг Самарқанд вилоятлараро бўлимидан олинган экспертиза хулосасига кўра, Зарафшон шаҳар 2-сонли давлат нотариал идорасига берилган автомашинани Б.Аҳмедовга ҳадя қилишга розилиги тўғрисидаги ариза Н.Бобоева томонидан ёзилмаган. Аксинча, ўрганиш асносида мазкур аризадаги имзо айнан Н.Бобоеванинг имзосига ўхшатиб бошқа шахс томонидан қўйилгани аниқланди.

Қисқаси, суд юқорида қайд этилган ҳолатлардан келиб чиқиб, жавобгарлар Н.Шокиров ва Б.Аҳмедов ўртасида расмийлаштирилган ҳадя шартномасини ҳақиқий эмас, деб топди.

Гувоҳи бўлганингиздек, ҳар қандай эзгу иш қонун талаблари асосида амалга оширилсагина хайрли якун топади. Қолаверса, ортиқча оворагарчилик, асаббузарлик ва турли хил кўнгилсизликларнинг олди олинган бўлади. Шундай экан, ҳаётда ҳар бир ишга қонун талабидан келиб чиқиб, ёндошиш хотиржамлик гарови эканлигини унутмайлик.

Ф.МИРЗАЕВ,
фуқаролик ишлари бўйича Зарафшон туманлараро судининг судьяси

Jinoyat va jazo

Фош бўлган ўғирлик

Бу ҳаётда пешона тери тўкиб, ҳалол меҳнат қилган, эзгулик ва яхшиликни ҳамиша умрининг мазмуни деб билган киши ҳеч қачон кам бўлмайди. Чунки ҳалол меҳнат, эзгу ва савоб ишлар кишининг кўнгил хотиржамлигини таъминлаш билан бирга оила ободлиги, турмуш фаровонлигига элтувчи муҳим воситадир.

Бунинг акси бўлган қинғир ишлар эса, ҳеч қачон изсиз кетмайди. Қуйидаги воқеа ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Ўтган йилнинг 25 ноябрь куни эрталаб Муслима опа (исм-шарифлар ўзгартирилди) савдо дўконини очди-да, қизи Нилуфарни шу ерда қолдириб, ўзи танишининг тўйига кетди.

Шундан сўнг соат ўн бирларда Нилуфар онасига қўнғироқ қилиб, бир неча кун илгари келишиб қўйган буғдойни танишлари олиб келишганини айтди. Онаси унга жавобан, буғдойни қабул қилиб олиб, уйдаги сандиқдан пулини олиб бериб юборишни тайинлади.

(Давоми тўртинчи бетда)

Munavvar lahzalar

Меҳр-мурувват ва бағрикенглик тимсоли

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Зотан, жамиятда кексаларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш фазилатини юксалтириш, ота-оналарга, ёлғиз қарияларга ва бошқа эҳтиёжманд қатлам вакилларига ғамхўрлик қилиш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини кучайтириш мазкур Дастурда асосий вазифалардан этиб белгиланган.

Шу нуқтаи назардан, "Кексаларнинг дуосини олайлик", "Кексаси бор хонадон — файзли хонадон" каби маданий-маърифий тадбирлар доирасида ўтказилаётган акциялар ҳам нуронийларнинг турмуш сифати ва даражасини ошириш, бунинг учун барча қулайликларни яратишга йўналтирилганлиги билан аҳамиятлидир. Шунингдек, "Меҳр-мурувват — инсонга зийнат", "Ўтганлар руҳини шод этайлик", "Уч авлод учрашуви" мавзуларидаги турли акцияларда, ҳудудлардаги ободонлаштириш ишларида минг-минглаб йигит-қизлар фаол иштирок этмоқда.

Байрам муносабати билан жойларда "Хеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!", "Қариси бор уйнинг — париси бор", "Меҳр-муҳаббат ва тотувликда кечаётган узоқ умр" шиорлари остида ўзининг фидокорона меҳнати билан мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ва ёш авлод тарбиясига муносиб ҳисса қўшаётган ёши улуғ инсонлар билан учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этилмоқда.

Табаррук кексаларимиз ўзларининг ибратли ҳаёт йўли, мамлакатимизда миллий-диний қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор, аҳоли ўртасида меҳр-оқибат, бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг беқиёс самаралари ҳақида ёшларга сўзлаб бераётир.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан уч авлод учрашувларида ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, уларни эзгу анъаналаримизнинг муносиб давомчилари этиб тарбиялаш чоралари кўрилмоқда. "Нуронийлар эъзозда" патронаж ёшлар ҳаракати аъзолари ўзлари яшаётган ҳудуддаги уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронлар, боқувчисини йўқотганлар ҳолидан хабар олмоқда. "Камолот" бошланғич ташкилотлари етакчилари маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда ёлғиз кексалар, ногиронлар ва ўзгалар кўмагига муҳтож инсонларнинг уйларига бориб, рўзғор юмушларида кўмаклашмоқда.

Бугунгидек осойишта ва фаровон кунларда яшаш, донишманд нуронийларимиз ҳақли ўгит берганларидек, ёшларимиз учун бу оддий ҳол бўлиб туюлиши мумкин. Лекин эътиқод эркинлиги, яхшилик, хайр-саховат, меҳр-оқибат каби эзгу қадриятларимизнинг ҳаётимизда намоён бўлиши нечоғли улкан бахт эканини катта авлод вакиллари яхши англайдилар. Чунки бир пайтлар шу оддий имкониятлардан ҳам маҳрум эдик.

Истиқлол туфайли эътиқод эркинлиги таъминланган тинч ва обод мамлакатда яшаяпмиз. Юртимизда миллий-диний қадриятлар, илму маърифат ривожланмоқда. Миллий ўзликни англаш, халқимиз маънавиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айниқса, дунёнинг турли минтақаларида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни кўриб, кузатиб шуни тўлиқ ишонч билан айтамизки, биз учун, халқимиз учун тинчлик ва омонлик энг олий неъмат, энг улуғ қадриятдир. Ўзбек халқининг бизга тинчлик керак, омонлик керак, деган мана шу мухтасар даъвати бугун миллати ва эътиқодидан қатъи назар фаровонликка интилган бутун дунё аҳлининг хоҳиш-истагини ўзида яққол ифодаламоқда.

Мухтасар айтганда, халқимиз Қурбон ҳайитини эзгу амаллар ва кўтаринки руҳ билан кутиб олаётгани юртимизнинг осойишталиги, осмонимиз мусаффолиги, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги, бағрикенглиги, дастурхонимиз тўкинлигидандир. Бинобарин, мамлакатимизда тинчлик-хотиржамлик, меҳр-оқибат, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, ҳиммат ва саховат каби эзгу анъаналар мустаҳкам қарор топган.

Мана шундай фараҳбахш кунларда ҳар биримизнинг қалбимизда шукроналик ва шодумонлик туйғуси жўш уриши шубҳасиз. Ўз навбатида, муборак Қурбон ҳайитининг кенг нишонланиши юртимиздаги тинчлик-осойишталикнинг, қўлга киритаётган бемисл ютуқларимизнинг шукронаси ҳамдир.

Бобомурод РАЙИМОВ,
"Куч — адолатда" мухбири

Maslahat

Истеъмолчи ҳуқуқи

у қонун билан кафолатланган

«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 14-моддасига мувофиқ, истеъмолчи товарнинг ишлаб чиқаришига, тузилишига, таркибига доир камчиликларни ёки бошқа нуқсонларни аниқлаган тақдирда сотувчи (ишлаб чиқарувчи) уни айнан шундай маркали (моделли, артикулли) товарга етти кунлик муддатда, товар сифатини қўшимча равишда текшириш зарар бўлганида эса, истеъмолчи талаб қўйган пайтдан эътиборан йигирма кун ичида алмаштириб бериши шарт.

Айнан шундай маркали (моделли, артикулли) товар бўлмаган тақдирда, истеъмолчининг алмаштириб бериш хусусидаги талаби даъво қилинган пайтдан эътиборан бир ой ичида қондирилиши керак. Чўл ва олис жойларда, товарлар вақти-вақти билан олиб борилиадиган жойларда истеъмолчиларнинг бундай талаби, ушбу жойларга навбатдаги товар етказиб бериш учун кетадиган муддат ичида, лекин икки ойдан кечиктирмай қондирилиши лозим.

Ана шу муддатларни ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сотувчи (ишлаб чиқарувчи) истеъмолчига алмаштирилган товарни бериш билан бир вақтда товар баҳосининг бир фоизи миқдорида неустойка (пеня) тўлайди.

Истеъмолчининг розилиги билан сотувчи нуқсонли товарни бошқа маркали (моделли, артикулли) шундай товарга алмаштириб бериб, харид нархини тегишинча, қайта ҳисоб-китоб қилиши шарт.

Абдулазиз РАЗЗОҚОВ,
Олий суд катта консультанти

Jinoyat va jazo

Фош бўлган ўғирлик

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Орадан кўп ўтмай Нилуфар онасига ташвишли оҳангда яна қўнғироқ қилди. У қоплардаги буғдой тушириб олинганини, лекин сандиқда пул йўқ эканини айтди. Бу нохуш хабарни эшитган М.Жўрақулова тўйда ўтиролмай, тезда ортига қайтади. Аслида сандиққа солиб қўйилган сумкада 1 550 АҚШ доллари, 500 Россия рубли ва 3 миллион 500 минг сўм бор эди. Шунча пул аллақаёққа ғойиб бўлган. Аниқроғи, кимдир сандиқни очиб, пулларни олиб кетган. Хўш, бу ўғирликка ким қўл урган бўлиши мумкин?

Уйига шоша-пиша етиб келган М.Жўрақулованинг хаёлида шундай саволлар айланар эди. Бир пайт у қизидан сандиқнинг калити қаерда эди, деб сўради. Шунда Нилуфар калитни дўконнинг токчасига қўйганини, фақат буғдойни тушираётганда калит йўқ бўлиб қолгани, сўнг яна қаердандир пайдо бўлганини, дўконга эса, қўшниси Зокирдан бўлак ҳеч ким кирмаганини айтди. Унинг гапларини эшита туриб, Муслима опанинг ёдига туйқус бундан йигирма кун аввал рўй берган ғалати воқеа тушди.

Ўшанда 4 ноябрь куни эди. Муслима опанинг ҳовлисига кимдир ўғирликка тушган ва стол устидаги нархи 100 минг сўмлик "Нокия-101" русумли уяли телефонни ва шкафдаги 200 минг сўм пулни ўғирлаб кетганди.

Бугун эса, сандиқдаги пулни ўғирлаб кетибди. Бу ўғирликка ким қўл урган бўлиши мумкин? М.Жўрақулова ўйлай-ўйлай туман ички ишлар бўлимига йўл олди. У уйида ўғирлик ҳодисаси рўй бергани, бунда қўшнисининг ўғли Зокир Қурбоновдан гумон қилишини билдириб, ариза ёзди.

Шундан сўнг ушбу ўғирлик ҳодисаси юзасидан ўтказилган суриштирув ишлари жараёнида жабрланувчининг гумони тўғри бўлиб чиқди. Ҳақиқатан ҳам, М.Жўрақулованинг уйида рўй берган ҳар икки ўғирликка З.Қурбонов қўл урган эди.

Айтиш керакки, айни шу кунларда ушбу маҳаллада яшовчи Зокир Қурбоновнинг бошқа бир қўшниси — Адҳам Сирожевнинг аризаси ҳам ички ишлар ходимлари томонидан ўрганилаётганди. Гап шундаки, 3 ноябр куни соат йигирмаларда А.Сирожевнинг уйига деразаси орқали кимдир яширинча равишда кириб, 600 минг сўмни ўғирлаб кетганди. Буёғини сўрасангиз, эртаси кун соат ўн саккизу ўттизларда А.Сирожевнинг хонадонида яна такроран ўғирлик содир этилади. Бу гал кимдир жабрланувчининг уйидаги сандиқдан жами нархи 724 минг сўмлик турли матоларни ўғирлаб кетади.

Туман ички ишлар бўлими ходимлари томонидан М.Жўрақулованинг аризаси юзасидан олиб борилган суриштирув ва дастлабки тергов чоғида А.Сирожевнинг уйида юз берган ўғирликка ким қўл ургани ҳам ойдинлашади. Аниқроқ айтадиган бўлсак, ҳар икки ўғирлик жиноятининг ўғли Зокир Қурбонов томонидан содир этилган экан.

Энг ёмони, Зокир М.Жўрақулованинг уйидаги сандиқдан пулларни ўмаришда укаси, вояга етмаган Рашидни ҳам ўз жиноий қилмишига жалб қилади. Яъни Зокир дўкондаги токчада турган калитларни билдирмай олиб, уйига келгач, укаси Рашидга деразадан кўчани кузатиб туришни, ўзи эса, қўшнининг уйига ўғирликка тушишини, бирон кимса кўриниб қолса, дарҳол қўнғироқ қилиб огоҳлантиришни тайинлайди. Укаси, вояга етмаган Рашид ҳам бунга рози бўлади.

Зокир М.Жўрақулованинг ҳовлисига дарвоза орқали кираги ва уйдаги темир сандиқдан пулларни ўғирлаб чиқади. Кейин эса, 350 минг сўмни укасига бериб, уйнинг томига яшириб қўйишни тайинлайди. Сўнг у яна дўконга бориб, Нилуфарга сездирмай калитларни яна жойига қўяди. У ўғирланган пулнинг катта қисмини ўз эҳтиёжига ишлатиб юборади.

Ҳалол меҳнатга бўйин ёр бермаслик, ўзгалар ҳисобига кун кечиришга уриниш эндигина йигирма икки ёшга тўлган, куч-қувватга тўла йигитни эгри йўл — жиноят кўчасига бошлади. Бундан ташқари у ўзининг нопок қилмишига вояга етмаган укасини жалб қилгани етмагандек, Феруза Турсунқуловага ҳам тан жароҳати етказган. Сайхунобод туман суд-тиббий экспертизаси бюросининг хулосасига кўра, жабрланувчи соғлиғининг қисқа муддатга, яъни олти кундан ортиқ, аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашувига сабабчи бўлган.

Албатта, З.Қурбонов бу қилмишлари учун қонун олдида жавоб берди. Суд ҳайъати дастлабки тергов органи томонидан судланувчи З.Қурбоновнинг жабрланувчи Ф.Турсунқуловани қасддан уриб, соғлиғининг қисқа муддатга ёмонлашувига олиб келган енгил шикаст етказгани, жабрланувчилар А.Сирожев ва М.Жўрақуловаларнинг ҳовлисига кириб, ўғирлик, яъни ўзганинг молмулкини такроран яширин равишда талон-торож қилгани ҳамда вояга етмаган укаси Р.Қурбоновни жиноят қилишга жалб этганини Жиноят кодексининг 109-моддаси 2-қисми, 169-моддаси 2-қисми "г" банди, 127-моддаси 3-қисми ва 169-моддаси 3-қисми "а" банди билан тўғри малакалаган деб ҳисоблади.

Суд судланувчи З.Қурбоновга нисбатан жазо тайинлашда қонунларимиздаги инсонпарварлик ва одиллик тамойилларига тўлиқ риоя қилди. Судланувчининг айбига иқрор ва пушаймонлигини, жабрланувчиларга етказилган зарар қопланганини, жабрланувчиларнинг унга нисбатан даъвоси йўқлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида баҳолади. Ўғирлик жиноятини такроран содир этганини эса, жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб топди. Қисқаси, суд судланувчи З.Қурбоновни узил-кесил уч йилу олти ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш тўғрисида ҳукм ўқиди.

Юқорида баён этилганлардан ҳам кўринадики, ҳаётда тўғри йўлдан четга чиқиш, ўзгаларнинг ҳақига кўз тикиш ҳеч қачон яхшилик билан якун топмайди. Шундай экан, умрни мазмунан бойитадиган, кўнгил хотиржамлиги, оила ободлиги ва фаровонлигини таъминлайдиган ҳалол меҳнат қилиш ҳар бир киши учун ҳам фарз, ҳам қарздир.

Ашурали ТОШЕВ,
жиноят ишлари бўйича Сайхунобод тумани судининг раиси
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Куч — адолатда" мухбири

G'aroyib olam

Бу дунё азалдан сирли яралган. Ёнатрофимизда шундай мавжудотлар яшайдики, уларнинг яшаш тарзи ўта сирлилиги билан киши эътиборини ўзига тортади.

Биз билган ва билмаган дунё

АТРОФИМИЗДАГИ СИРЛИ ОЛАМ

Дунё олимлари узоқ вақт илмий ўрганишлардан сўнг жамоатчилик эътиборига ҳавола этган оддийгина чумолиларнинг яшаш тарзи хусусидаги хулосалари кишини ҳайратга солмай қўймайди.

Айтиш керакки, бу жонзотларни узоқ вақтдан буён ўрганаётган олимлар уларнинг ҳаёт тарзи одамларнинг турмуш тарзига ўхшаш эканлигини бот-бот таъкидлашмоқда. Масалан, оддийгина чумолини бирон-бир идишга солиб, яхшилаб боқсангиз ҳам, у барибир, орадан кўп ўтмай ўлиб қоларкан. Буни олимлар чумоли оиласини соғинганидан, ёлғизликдан, ўзининг кераксиз эканидан жабр чекиб, шундай аҳволга тушиши билан изоҳлашмоқда.

Олимларни ҳайратга солган яна бир ҳол — чумолиларнинг инидир. Чунки бу оддий ин эмас, ўзига хос ақл билан қурилган ҳақиқий уйдир. Масалан, ўрмонларда яшайдиган чумолилар уяси мукаммал меъморий обидадир. Чумолилар бежиз игна баргли ёки аралаш ўрмонларни макон тутмайди. Чунки игнабаргли дарахтлар уя қуришда тенгсиз хом ашёдир. Уянинг смола қўшилган томи чиримайди, энг серёғин куз ойларида ҳам нам тортмайди, иссиқни яхши сақлайди. Бундан ташқари уянинг асосий қисми ер остида жойлашади. Унинг икки метргача етадиган эгри-бугри сўқмоқлари фақат хавфсизлик нуқтаи назаридангина фойдали эмас, балки ер ости қудуқларидан бахраманд бўлишда ҳам жуда асқотади. Намлик эса, чанқоқни қондириш, ғумбак ва личинкаларни чўмилтириш, уяда мўътадил иқлимни сақлаб туриш учун зарур. Қаҳратон қишда ҳам уяда ҳарорат мўътадил бўлиб туради.

Бундан ҳам ҳайратланарлиси шундаки, чумолилар уясидаги «хона»лар юздан зиёд, уларнинг умумий майдони 15 квадрат метрга етади. Чумолилар бу хоналарни усталик билан тақсимлаб чиқишади, яъни айрим «хона»лар ғалла, уруғлик, қуритилган ҳашоратлар сақланадиган омборхона вазифасини ўтайди. Иликроқ гўшаларда ғумбак ва личинкалар вояга етади. Кунига 40 000 га яқин тухум қўядиган она чумолилар эса, алоҳида хонада яшайди. Бундан ташқари уяда чумолилар гавжум бўлиб, илиқликда ҳордиқ чиқарадиган алоҳида умумий «зал»лар ҳам бор.

Айтиш керакки, чумолилар ўз уйларини моғор босишидан, чиришдан астойдил ҳимоя қиладилар. Бутун ёз бўйи улар уяларини шамоллатиб, қуритиб турадилар. Ичкаридаги чириган нарсалар ташқарига чиқарилади. Уларни қуёшда тоблайдилар, ишдан чиққанларини янгисига алмаштирадилар. Захга қарши курашиш учун хўжалик ишлари билан машғул чумолилар махсус тайёрланган жойда қуёш нуридан баҳраманд бўлгач, елкаси совиб улгурмасдан ичкарига йўрғалаб қоладилар, улар бамисоли жонли иситиш асбобидек ер остидаги гўшаларини иситишга ошиқадилар.

Мана шундай ҳафсала, саъй-ҳаракат боис чумоли уялари бир жойда узоқ йиллар сақланиб туриши мумкин. Швейцариялик олим Август Форель 90 йилдан зиёд вақт мобайнида сақланиб қолган чумоли уяси ҳақида маълумот берган.

Бу жонзотлар тўғрисида фикр юритганда, яна шу ҳол эътиборни тортадики, ҳамма ишчи чумолилар — она чумолилардан иборатдир. Она чумолилар қўриқчилик, қурилиш ва таъмирлаш ишлари билан банд бўладилар, ғанимлар билан олишадилар, егулик топадилар. Яна шуни айтиш керакки, олимлар ҳалиҳануз чумолиларнинг қандай тартибда ўзаро мулоқотга киришишлари, ахборот алмашишлари тўғрисида аниқ тўхтамга келишгани йўқ. Гоҳо улар бир-бирларининг мўйлабини силаб-сийпалаб, йўлакларни ҳидлаб муҳим маълумот олаётгандек туюлади. Айни чоғда улар ультратовушлар ёрдамида ҳам мулоқотга киришаётгандек кўринади. Оддийгина чумолилардан биронтаси ёнғиннинг кўриши ҳамон қолганларининг ҳаммаси бир ёқадан бош чиқариб, ўзларидан кислота сачратганча ёнғинни ўчиришга киришадилар.

Олимларнинг кузатишлари яна шуни кўрсатадики, чумолиларни ҳамиша тўғри-ҳалол турмуш кечиради, деб бўлмайди. Уларнинг орасида кейинчалик ўзларига бўйсундириш учун бошқаларнинг личинкаларини ўғирлайдиганлари ҳам учраб туради. Бундан ташқари бу заҳматкаш жонзотлар ичкиликка мойилроқ бўладилар. Улар уяларида жажжи қўнғизларни боқишади. Қўнғиз шарбатларидан улар масталаст бўладилар, масъулиятни, ишни унутадилар. Агар ичкиликка бутун уя ружу қўйса, оила таназзулга учраб, қирилиб кетиши тайин.

Энг муҳими, олимлар чумоли уясига қараб қиш қачон келишини белгилаш мумкин, дея таъкидлашади. Масалан, қор учқунлаб турса-ю чумолилар ини атрофида ўрмалаб юрса, атрофни ҳалибери қор қопламайди. Агар чумоли уя тепасида фақат қоровул чумоли турса, тез орада совуқ тушади.

Хориж матбуоти материаллари асосида Оловиддин Собир ўғли тайёрлади.

КУЧ—АДОЛАТДА

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шоюнус ГАЗИЕВ
Светлана АРТИКОВА
Кўчқор ТОҒАЕВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Холмўмин ЁДГОРОВ
Ғайрат ХИДОЯТОВ
Азиз МИРЗАЕВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: (8 371) 239-02-55, 239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@oliysud.uz
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.

Буюртма: Г-922. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 8138.
1 2 3 4 5 Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 22⁰⁰